

## **INTRODUCTION OF THE CONCEPTS OF "SPIRITUALITY" AND "ENLIGHTENMENT" IN JADID LITERATURE**

**Mehrinigor Bahodirovna Akmedova,  
BukhDU associate professor, Ph.D.**

**Abstract.** The most comprehensive study of the concepts of "spirituality" and "enlightenment" and their scientific understanding through the reference to the work of the representatives of the Jadid movement is analyzed in this article.

**Keywords:** "spirituality", "enlightenment", jadid literature

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида тарихий ўзликни англаш асносида маънавий ва маърифий етук кадрларга бўлган эҳтиёж кундан кунга ортиб бораётгани етакчи сиёсий чиқишларда ҳамда ОАВ да қайта-қайта таъкидланмоқда. Маънан етук кадрни ёки маърифати етарли даражада шаклланган жамият вакилини камол топтириш унинг миллий-маданий онгини ўстириш ўзагида ётади. Шу боисдан, “маънавият” ва “маърифат” концептларини тарихий ҳақиқатда англашнинг аҳамияти ҳам қиймати қанчалик юқори эканлигини англаш қийин эмас. Ҳар қандай тарихий давр борки, у ўзининг миллий қаҳрамонлари ва фидокорларига эга бўлади. Ана шундай инсонлар қаторига миллат жонкуярлари сифатида тарих зарварақларига муҳрланган жадид ҳаракати намоёндаларини киритиш мумкин. Улар ижодининг жуда тор доирада ўрганилгани ва фақатгина бугунги кунги одил сиёsat соясидагина уларга бўлган эҳтиром ва эътирофнинг салмоғи ошганлиги айни тарихий ҳақиқатdir. Шунинг учун ҳам, “маънавият” ва “маърифат” концептларининг тадқиқини ва уларни илмий англашнинг энг қамровлиси жадид ҳаракати намоёндалари ижодига мурожаат орқали бўлади.

Ўзликни англаш, миллий ғурурни тарбиялаш, миллий онгни ўстириш билан боғлиқ, тарихий муаммоларидан бири - аждодларимизнинг ўз эрки, Ватан озодлиги йўлида мустамлакачилик зулмига қарши олиб борган курашлари тарихидир. Бу муаммолар мустабид тузум шароитида ўзининг холисона талқинини ололмади ва ололмасди ҳам. Чунки империапарастлик асосида қурилган давлат ўзи олиб бораётган зўравонлик, ғайrimilлий сиёsatiga қарши ҳалқни бош кўтаришга ундовчи миллий туйғуларни кучайишидан манфаатдор эмасди.

**Асосий қисм.** Жадидларнинг маърифатпарварлик мағкураси ижтимоий жиҳатдан анча бой ва турлича бўлган. Унда ҳозирги кунимиизда ҳам жамиятни тўлқинлантирадиган тарихий вазифа ва масалалар қаторида маънавий баркамолликка етишишда динни тўғри англаб тушуниб етишимиз, маънавият майдонини ташкил қилиш жараёнини тезлаштириш, тараққий этган илгор демократик институтларни бунёд қилиш, ўзига хос миллий ривожланишларни киритишимиз мумкин.

Жадидларнинг буюк тарихий хизматлари шундан иборатки, улар етилиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда эволюцион ислоҳот йўли асосида ишлаб чиқдилар, ижтимоий-даврий тузум ўзгаришларининг энг максимал эффектив йўлини таклиф қилдилар ва мустамлакачилик тартиботини йўқ қилишни талаб қилдилар. Туркистон, Бухоро, Хоразм жадидларини йўли бир хил бўлмаган бўлиб ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Лекин уларнинг ҳаммаларини концептуал ғоялари ҳозирги давр буюк ўзгаришлар амалиётининг маънавий асослари бўлиб хизмат қилди, кенг қамровли ислоҳотлар йўналиши ва бугунги кун стратегиясининг наслий ўзаги сифатида майдонга келди.

Гаспринский “умуммиллий ғоя” моҳиятини тушунтирар экан, ушбу ғоя қолган барча ғоялардан юқори туриши кераклигини ёзади. Унинг фикрича, миллатни улуғлаш, мақсадларни юқори кўтариш, миллатнинг ҳақиқий бирлиги - бу “умуммиллий ғоя”нинг туб моҳиятини ташкил этади. Бу ғоя миллатнинг интилиши ва фойдасини акс эттириши лозим. “Умуммиллий ғоя” – бу энг олий ва муқаддас нарса бўлиб, шариат қоидаларига кўра - энг улуғвор ва қимматбаҳо нарсадир. Туркистон жадидчилиги Россия империясидаги бошқа мусулмон минтақаларидағига нисбатан анча кеч, XX аср бошларида майдонга келди. Ушбу ҳаракатнинг асосини Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива вакиллари ташкил этди. Айнан ана шу зиёли қатlam Туркистон мусулмонлари учун миллий ғояни шакллантириб берди. Туркистон жадидчилигини тадқиқ этувчи айрим олимларнинг таъкидлашларича, маҳаллий жадидлар 1917 йилга қадар умумий бир дастурга эга бўлмаганлар. Уларнинг фикрича, туркистонликларнинг дунёқарашини бир қадар ўзгартира олган Фитратнинг “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи” асарлари 1917 йилга қадар туркистонлик жадидларнинг норасмий дастури сифатида қабул қилинган эди. Айни шу фикрни япониялик олим X. Коматсу ҳам илгари суради ва Фитратнинг юқоридаги икки асари Бухоро ва Туркистондаги жадид - ислоҳотчилик ҳаракатининг манифести бўлганлигини таъкидлайди.

Бадиий адабиёт, хусусан шеърият миллий ғоя тарғиботида жуда катта рол ўйнади. Жадид шоирлари биринчи навбатда янги илм, фанни улуғлади ва халқни ушбу илм ва фанларни ўрганишга тарғиб қилдилар. Улар замонавий илм ва фанни тараққиётга эришишнинг бирдан-бир йўли деб қарадилар. Самарқандлик шоир Сиддиқий-Ажзий туркистонликларни “бир ғоя атрофида

жипслалиб, бир йўлдан бормоқни” ва бир “олий мақсад”га интилиб, у учун “курашишга” чақиради.

Б.Қосимовнинг таъкидлашича, Бастилия қаҳрамонларининг севимли шиорлари, Номиқ Камол, Тавфиқ Фикрат, кейинчалик Беҳбудий ва Мунаввар қори томонидан кўп қўлланилган “Ҳақ берилмас, олинур” сўзлари миллат қалбига сингиши лозим эди. Бошқа сўзлар билан айтадиган бўлсак, у ҳақиқий миллий ғояга айланиши керак эди. Ана шундагина бу ғоя ҳақиқий кучга айланади. Б.Қосимов фикрларини давом эттирас экан, бу амалга оширилиши ўта қийин бўлган иш эди, деган хуносага келади. Шу ўринда, жадид даври адабиётида назарда тутилган миллий ғоя Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов томонидан “маънавият” концептининг бошқача талқинда берилганини кўриб чиқсан: “Маънавият – инсонни руҳан покланиши, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.

Жадидчилар ўз замонаси қаҳрамонлари сифатида жуда қўплаб чиқишлиар, мурожаатлар ва илмий мунозаларга бой йиғилишлар ўтказишгани кўпчиликка маълум бўлсада, уларнинг асослари тўғрисида жуда озчилик хабардор. Айниқса, ушбу аждодларимизнинг мураккаб ҳаёт йўллари тўғрисида маълумотлар бир ерда жамланмагани ҳам бор ҳақиқат.

Тарихан олиб қаралганда, ўз давлатига асос солганлар, инсоният тамаддунига ўз ҳиссасини қўшганлар ва инсониятга қирғин келтирган урушлар бошида турганлар аниқ факт ҳамда эътибор марказида бўлиб келишган. Ваҳоланки, энг қолоқ даврда ҳам шундай инсонлар бўладики, улар давлат қурмаса ҳам, фақатгина эл-улус ғами билан яшаб ижод қилганлиги учун эзозда бўлишга лойиқ кўрилишади. Улар ижодидан ҳақиқий ватанга муҳаббат, юрга садоқат, ҳалоллик, поклик, иймон, эътиқод ва тўғрисўзлик каби соф инсоний сифатларга йўғрилган “маънавият” ва “маърифат”ни кенгроқ англаш ва тушуниш мумкин. Чунки, улар энг оғир вазиятда ҳам юрт эртасини ўйлашди. Мана шундай, улар орзу қилган кунларда яшаб, уларнинг ижодига лингвистик назар ташлаш орқали, улар қўллаган “маънавият” ва “маърифат” концептларига оид терминларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Абдурауф Фитрат “Куръон” сарлавҳали мақоласида миллат тараққиёти хусусида фикр юритар экан, ўз фикрларини илм ўрганишни улуғловчи Куръон оятлари орқали тушунтиришга ҳаракат қиласиди. Фитрат Куръонни исталган миллатни саодатли ва кучли қилишга қодир бўлган ижтимоий қонунга қиёслайди. Бундан ташқари, у мусулмонларнинг ўша вақтдаги аҳволини Исломгача араблар яшаган “жоҳилият даври”га ўхшатади. Фитрат Куръонда барча мусулмонлар саодат ва тарққиётга эришиш учун ҳаракат қилишлари кераклигига чақириқ кўради. Мақоласининг сўнгига Фитрат

туркистонликларга савол билан мурожаат қилади: “Ажабо, биз ўзимизни инсон деб атаб, ҳақиқий инсон каби ҳаракат қилишни хотирга келтирмаймизми? Наҳотки, биз қиёматгача ўзимизнинг жоҳиллигимизни тушуна олмасак ва сабабларини қидиришга ҳамда уларни ҳал қилиш чораларини топишга қодир бўлмасак?”.

Дин ва маънавият асосида эътиқод ётади. Бошқача айтганда, инсон диндор ёки маънавиятли бўлишида, авваламбор, ишонч етакчи тамойил ҳисобланади. Ишонч инсон эътиқоди ва маънавиятининг ҳам манбаи, ҳам мақсади вазифасини бажаради. Инсоннинг динига содиқлиги ёки маънавий ўсишни ҳис қилиши унинг ўз эътиқодини англаш ўсиб борганини билдиради.

Кундалик ҳаётда маънавият, кўпинча, инсон ва жамиятнинг моддий ишлаб чиқаришга бевосита оид бўлмаган ақлий фаолияти маҳсулотлари(маънавий маданияти)га ҳамда ахлоқий, диний қарашларга, иймон-эътиқод амалиётига нисбатан ишлатилади. Ўзбек тилшунослигига профессор Ш.Рахматуллаев «маънавият» терминининг этимологик талқинида кўпроқ унинг шаклига эътибор қаратиб, маъновий моҳиятини маълум даражада мавҳум қолдиради: «**Маънавият** - бу арабча сўз *ta'naviyyat* (un) шаклига эга (АРС, 546); ўзбек тилига *-айн* ўрнига ъ (айриш) белгисини қўйиб, таркибидаги *-й* товушларидан бирини ташлаб қабул қилинган: *ta'naviyyat* – маънавий+ат (маънавият); бу сўз маънавий(ун) сифатидан –ат(ун) қўшимчаси билан ясалган мавҳум от бўлиб (УАЯ,500), «**кишининг руҳий ҳолати**» маъносини англатади». Талқиндаги «руҳий ҳолат» психологик тушунча сифатида англашилганлиги ва унда рус тилидаги «духовность» ҳамда инглиз тилидаги «spirituality» лексемаларининг умумий маъноларига ишора сезилганлиги учун ҳам мазкур фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди.

Яна бир бошқа мақолада Фитрат яна савол билан мурожаат қилади: “Биз қандай қилиб тараққиётга эришамиз?” Мақола давомида у Туркистон мусулмонлари тараққиёт йўлини қандай топиш устида бош қотирмаса ҳам бўлади, бизгача бошқа тараққий этган миллатлар барча йўлларни очиб қўйганлар, биз фақат уларни ўзлаштиришимиз керак ва энг асосийси бу ҳаракатимиз эътиқодимизга умуман дахли йўқ эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Туркистонга Миллат ва Ватан нима эканлигини аниқ тасаввур қила оладиган ўқимишли ва зиёли ёш авлод керак эди. “Садойи Туркистон” газетаси ёзганидек, бу ёш авлод ўзининг хизмати, ҳаракати, ёрдами ва содиқлиги билан ҳақиқий зиёли эканлигини қўрсатиши керак эди.

«Маънавият» атамасининг «руҳ» ёки «руҳият» атамаларидан кўра тор маъно англатиши ҳақида фикр юритади. Олим «Руҳ ва тил» китобида Қуръони каримда «руҳ» сўзининг моҳияти, тузилиши ва тилга муносабати хусусида маълумот берган.Олимнинг таъкидлашича, Қуръони каримда «руҳ» сўзи 21 марта қўлланган ва унда сўзининг моҳияти ҳақида маълумот берилиб, Аллоҳ таоло Одам атони яратиб ичига руҳидан пуфлагач, фаришталарига унга сажда

қилинглар дейди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, рух мазмунан беҳад мураккаб тушунча, маъно кўлами бениҳоя кенг сўз, унинг фаолияти эса серқиррадир. «Инсон руҳининг унсурларига онг, шуур, ақл, заковат, фаҳм, фаросат, фикр, тафаккур, тушунча, идроқ, хотира, зехн, ҳис-туйғу ва ҳоказо киради. Булар инсон руҳий фаолиятида асосий омил вазифасини бажаради. Руҳий фаолият ахлоқ, тил, маданият, илм-фан, санъат каби кўринишларда намоён бўлади».

Тилшунос олим Баҳтиёр Менглиевнинг таъкидлашича, **тараққиёт** сўзи қандай тушунилишининг ўзи ҳам ривожланиш йўналишини ифодалайди. Масалан, деб ёзади олим, тараққиёт инсон учун қулайликлар даражаси тушунилиши урф бўлган. Бу “инсон фаровонлиги”, “техник юксалиш”, “иктисодий/молиявий ривожланиш” маъноларида реаллашади. Бошқача айтганда, **тараққиёт** сўзининг семантик “мағзи”ни “моддийлик” семаси ташкил этади. Изоҳли луғатлар ушбу ҳолатни шундай қайд этади: **“Тараққиёт [ ترقیات - юксалиш, олга ҳаракатланиш, ривожланиш, ўсиш]** Ривожланишнинг оддийдан мураккабга, қўйидан юқорига йўналган шакли, унинг юксалиши. **Тарихий тараққиёт. Техника тараққиёти. Кишилик жамиятининг тараққиёт босқичлари. Фан ва маданиятнинг тараққиёт даражаси. Мамлакатимизда ишилаб чиқарувчи кучлар кенг кўламда ривожланмоқда, фан-техника тараққиёти авж олмоқда.** “Фан ва турмуш”. Изоҳ мазмуни ва далилловчи мисоллардан англашиладики, **тараққиёт** ифодаси кўпроқ “моддийлик” бўёғи билан йўғрилган. Бу ижтимоий тафаккурда ҳам ўз ифодасини топади. Чунки исталган кишидан **тараққиёт** сўзи ҳақида сўрасангиз, уни “ахлоқ”, “виждон”, “инсоф” каби тушунчалар билан боғлай олмайди. Демак, ижтимоий тафаккурда **тараққиёт** сўзи асосан “моддий ривожланиш” мазмунида ўзлашган. Бу эса луғатларда ҳам ўз аксини топади. Шунингдек, илм ва таълим йўли билан луғатлардаги ҳолат ижтимоий онгга қайта таъсир қиласи ва ундаги мавжуд ҳолатни мустаҳкамлайди. Натижада сўз моҳияти ўзгариб, бу ўзгариш, ўз ўрнида, борлиққа ҳам таъсир этади. Дейлик, моддий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий ривожланишдан устунлиги кучайиб бораверади. Бундан сўз ва борлик муносабатининг шахс билан кесишувидаги ўзаро таъсирига амин бўлиш мумкин.

**Хулоса.** Хулоса сифатида шуни қайд этиш керакки, Туркистон жадидлари миллатни жиссплаштирувчи, ягона йўлга бошловчи миллий ғояни Ички Россия мусулмонларидан олган бўлсалар-да, маҳаллий воқеликка мослаган ҳолда қайта шакллантиридилар. Туркистон жадидлари бошлангич паллада таълим, замонавий билимлар тарғиби ҳамда маҳаллий аҳолининг турмуш шароитини ўзгартиришга қаратилган дастур асосида иш олиб борди. Айнан мана шу масалалар жадидларнинг миллий ғояси асосини ташкил этди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Авлоний Абдулла. Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 132 б.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. – Тошкент: Университет, 2003. – Б.253-254.
3. Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. 5-Жилд. Тошкент: Маънавият, 2010.- Б.108.
4. Бизда хамият. // Садои Туркистон. №58
5. Менглиев Б.Р. Таракқиёт ва маънавият // Маърифат, 2018 йил, январь.
6. Зикриллаев Фани. Рух ва тил. – Т.: Фан, 2018. – 264 б.
7. Авлоний Абдулла. Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 132 б.
8. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. 4-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ , 2004.
9. Исмаил Бей Гаспринский. Русское мусульманство: М цели, заметки и наблюдения. - Россия и Восток. - Казань, 1993. - С.16-58. 27 [www.ziyouz.com/kutubxonasi](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi)
- 10.Афкори умумия//Таржимон. 1886. №13